

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.13/30.12.2019.т.07.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

A  
X 40

**ХОЖИЕВА НАСИБА ЖУМАБАЕВНА**

**АХБОРОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ  
АХБОРОТЛИ ҚУВВАТЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

**05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

## **Часть I. Диссертация**

A

A/2655

ии (PhD)

X 70 Хожиева, Н. Ж.  
Ахбара́т бани

зимларидә каор кабул  
килишни аҳборотли кув-  
ватлаш усуллари ва ал-  
горитмлари нис авто-  
реферати

(PhD)

Xor  
Axt.  
kye

Тошкент 2021

«Боротли»

3

решений

19

**ВОЗВРАТИТЕ КНИГУ НЕ ПОЗДНЕЕ**  
**обозначенного здесь срока**

## **making in**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЖИЕВА НАСИБА ЖУМАБАЕВНА**

**АХБОРОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИДА ҚАРОР ҚАБУЛ  
ҚИЛИШНИ АХБОРОТЛИ ҚҰВВАТЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ ВА  
УСУЛЛАРИ**

**05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БҮЙІЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/T505  
ракам билан рўйхатта олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш  
веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталаida ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))  
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гулямов Шухрат Манапович  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сайдов Абдусобиржон Абдурахманович,  
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги  
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_\_\_» соат  
даги мақлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур  
кўчаси, 108-й. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail:[tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-  
ресурс марказида танишиш мумкин (210 ракам билан рўйхатта олинган). (Манзил:  
100202, Тошкент шаҳри. Амир Темур кўчаси, 108-й. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» да тарқатилди.  
(2021 йил «15 » сюнгаги 19 раками реестр баённомаси).



Р.Х.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий  
техника фанлар доктори, профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий  
доцент

М.А.Рахматуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий  
семинар ранси, техника фанлар доктори, профессор

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Ҳозирги вактда жаҳонда янги ахборот технологиялари, билимлар муҳандислиги, сунъий интеллект тизимлари, математик моделлаштириш ва оптималлаштириш ривожлантирилмоқда ҳамда бошқариш назарияси ва амалиётига жорий этилмоқда, шунингдек қарор қабул қилишни кўллаб-куватловчи юкори самарали тизимлар (ҚҚҚТ) ни куриш зарурий илмий кўйимлар билан жадал таъминланмоқда. Бу борада АҚШ, Япония, Канада, Россия, Франция, Германия ва бошқа кўллаб давлатларда ишлаб чиқариш тизимларини дастурланадиган мантиқий курилмалар орқали бошқариш масалалари мухим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон амалиётида мураккаб техник ва технологик тизимлар динамик ўзгарувчан мухитда фаолият кўрсатади, бу шарт-шароит, чегараланишлар, баъзида эса динамик объектларни бошқариш мақсадларининг ўзгариши билан кузатилади. Бу эса умумлашган монанд моделларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш автоматик ва автоматлаштирилган бошқаришнинг мавжуд талаблари ва реаликдан орқада қолаётганинги англатади.

Республикамизда давлат дастурлари доирасида мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни тезкор бошқариш соҳасида қарор қабул қилишни кўллаб-куватловчи тизимлар самародорлигини оширишга йўналтирилган кенг спектрдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... мураккаб кимё-технологик тизимлар ва ишлаб чиқаришларнинг истиқболли энергия ва ресурстежамкор иссиқлик- ва масса алмашиниш жараёнларининг назарий асосларини такомиллаштириш ва уларни саноатда фойдаланишга жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажариш, жумладан, ахборот бошқариш тизимларида қарор қабул қилишни кўллаб-куватловчи алгоритмларни экспергетик усул асосида ишлаб чиқиш мухим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2019 йил 23 ноябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2017 йил 30 июнь ПФ-5099-сон «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион гоялари, технологиялари ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фермони

ҳамда мазкур фаолиятта тегишли бошқа меъёрий-хуқукий ҳужоатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий ахборот-бошқариш тизимларида қарор қабул қилишни ахборотли қўллаб-кувватловчи усуллар ва алгоритмларни ишлаб чиқишга тизимли ёндашувни қўллашга хорижлик тадқиқотчилардан А.И.Бояринов, В.Н.Ветохин, В.В.Кафаров, А.В.Ликов, В.А.Налётов, В.Л.Перов, А.М.Цирлин кабилар катта ҳисса кўшишган.

Ахборот-бошқариш тизимлари ҳамда уларни бошқа тизимлар билан интеграциясини ахборотли алгоритмик, математик ва дастурий-техник қўллаб-кувватлаш, жумладан, энергия ва ресурс сифимили технологик мажмуналар ва қурилмаларни термодинамик оптималлаштириш тизимларини тадқиқ этиш масалаларига мамлакатимиз олимларидан Д.А.Абдуллаев, Ф.Б.Абуталиев, К.Р.Аллаев, Т.Ф.Бекмуратов, Х.З.Игамбердиев, В.К.Кабулов, М.М.Комилов, Д.Н.Мухитдинов, Н.У.Ризаев, Н.Р.Юсупбековларнинг, хорижлик олимлардан R.A.Aliyev, A.Fredensland, T.Jensen, M.Hirata, W.L.Luyben, K.Nagahama, S.Ohe, S.Skogestad, J.M.Wilson ва бошқаларнинг ишлари бағишиланган.

Бироқ мазкур предмет соҳасида интеллектуал ахборот-бошқариш тизимлари ва уларни бошқариш қарорларини қабул қилишда ахборотли қўллаб-кувватлашнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ва тадқиқ этишга бағишиланган ишлар етарлича эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий инновацион маркази ва Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг БВ-Атаб-2018-568 – «Электрон ресурсларнинг ахборотларини химоя қилиш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб-кувватлаш учун ахборот хавфини бошқариш учун интеллектуал дастурий тизимларни яратиш» (2018-2019); ЁБВ-Атеч-2018-212 – «Электрон хукумат тизимларida ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва алгоритмларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш» (2018-2019); ОТ-Ф7-88 – «Гоза маҳсулотлар олишнинг энергия ва ресурстежамкор иссиқлик-масса алмасиниш жараёнларининг истиқболли мураккаб кимё-технологик тизимларининг назарий асосларини такомиллаштириш» (2017-2020) мавзуларидаги лойиҳаларъ доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эксергетик таҳлил усулларини қўллаш асосида энергия-технологик ишлаб чиқаришларни термодинамик оптималлаштиришнинг амалий масалалари мисолида қарор қабул қилишни ахборотли қўллаб-куватловчи усуллар ва алгоритмларини ишлаб чиқиш.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

структуравий оптималлаштириш усулларидан фойдаланиб, энергия-технологик бошқариш курилмаларининг оптимал структураларини синтезлаш усулларини ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

термодинамик таҳлилнинг эксергетик тамоилидан фойдаланиш асосида энергия ва иссиқлик-технологик жараёнларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш услубиятини асослаш;

тадқиқ этилаётган технологик жараёнларнинг самарадорлигини баҳолаш ҳамда энергия ва иссиқлик-технологик курилмаларнинг унумдорлигини оптимал даражасини аниқлаш;

энергия-технологик курилмалар унумдорлигининг оптимал даражасини таъминлашга йўналтирилган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** бошқариш ва технологик модулларнинг энергия-технологик жараёнлари, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналаридағи динамик ўзгарувчан жараёнлар, бошқариш жараёнларидаги конуниятлар, оптималлаштириш, ахборотларни бошқариш тизимларида қарор қабул қилишга кўмаклашувчи усуллар ва алгоритмик технологиялар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ахборот-бошқариш тизимлари ва динамик ўзгарувчан жараёнларда қарор қабул қилишнинг ахборотли қўллаб-куватлаш усуллари ва алгоритмларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажаришда тизимли таҳлил усуллари ва илмий қоидалари, автоматик бошқаришнинг замонавий назарияси, сунъий интеллект назарияси, кимё-технологик тизимлар ва жараёнларни математик моделлаштириш ва оптималлаштириш, термодинамик оптималлаштириш ва эксергетик таҳлил усуллари, шунингдек дастурний инженеринг ва қарор қабул қилиш назариясидан фойдаланилган.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

структуравий оптималлаштириш усулларидан фойдаланиш асосида энергия ва иссиқлик-технологик курилмалар ва мажмууларнинг оптимал структураларини синтезлаш усули ишлаб чиқилган;

термодинамик таҳлилнинг эксергетик тамоилидан фойдаланиш асосида энергия ва иссиқлик-технологик курилмаларнинг самарадорлигини таҳлил қилишнинг муҳандислик услубияти таклиф этилган;

энергия-технологик жараёнларнинг иссиқлик остилизмларини структуравий оптималлаштириш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

нефтни бирламчи қайта ишлаш жараёнларига тааллукли энергия-технологик жараёнларни эксергетик баҳолаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

энергия-технологик жараёнларнинг иссиқлик остилизмларини структуравий оптималлаштириш алгоритмлари ва дастурлари ишлаб чиқилган;

нефтни бирламчи қайта ишлаш жараёнларига таалукли энергия-технологик жараёнларни эксергетик баҳолаш алгоритмлари ва дастурлари мажмуи ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган услубиятлар ва алгоритмлардан амалдаги атмосфера-вакуум кувурчали электр түзсизлантириш курилмаси (АВҚ ЭТК) нинг алоҳида қисмлари ва мосламаларининг самарадорлигини баҳолашда фойдаланилган;

ўтказилган таҳлиллар асосида курилманинг энергетик қисмини оптимал ташкил этиш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация иши предметли соҳасидаги илмий нашрларнинг таҳлилий шархи, тўпланган назарий ва амалий тажрибадан фойдаланиб, мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни бошқаришдаги энергия ва ресурстежамкорликка йўналтирилган қарор қабул қилишни қўллаб-куватовчи усуллар ва алгоритмлар, ахборот-бошқариш тизимлари фаолияти сифати ва ишончлилигини баҳолашни қўллаш, сунъий интеллект назарияси ва амалиёти, ноаник тўпламлар, лингвистик ўзгарувчилар, “юмшоқ” ҳисоблаш, математик ва иммигацион моделлаштириш, кўп мезонли термодинамик оптималлаштириш назарияларининг усулларини қатъий ва тўғри қўлланилиши, шунингдек таклиф этилган моделлар ва алгоритмларини синовдан ўтказишдаги ҳисоблаш тажрибалари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Назарий ва амалий тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тизимли таҳлил ва ахборотларга ишлов бериш, қарор қабул қилиш назарияси, математик моделлаштириш, динамик объектларни интеллектуал бошқаришни оптималлаштириш усулларидан фойдаланиб, нефтни саноатда қайта ишлашнинг мураккаб кимё-технологик тизимлари энергия ва ресурс самарадорлигини оширишнинг таъминланишидан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мураккаб кимё-технологик жараёнлар ва корхоналар мисолида энергия ва ресурсларни тежаш ва маҳсулот сифатини ошириш мезонлари асосида термодинамик оптималлаштиришига оид бошқарувчи қарорлар қабул қилишга қўмаклашадиган усуллар ва алгоритмларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мураккаб кимё-технологик жараёнларнинг ахборот-бошқариш тизимларида қарор қабул қилишнинг ахборотли қўллаб-куватлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

энергия ва иссиқлик-технологик курилмаларни термодинамик структуравий-параметрик оптималлаштириш услубияти ва иссиқлик-

технологик курилмаларни оптимал структуравий оптималлаштириш алгоритмлари ва дастурлари «Чиноз нефтни қайта ишлаш завод» МЧЖ да жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 33-8/7050-сон маълумотномаси). Натижада нефть ва газ конденсатини бирламчи қайта ишлаш жараёнининг энергия самарадорлигини 5,5% га ошириш ва оптималлаштирилаётган технологик тизим структураларини қайта структуралаш бўйича оптимал карор қабул қилиш вактини 15-20% га кисқартириш имконини берган;

нефтни бирламчи қайта ишлаш энергия-технологик бошқарув жараёнларини эксергетик тахлил қилиш услубияти “O’ZLITINEFTGAZ” АЖда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 33-8/7050-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини 0,072% оширишга имконият яратилган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий анжуманларида мұҳокамалардан ўтказилган ва аprobация қилинган.

Тадқиқот натижаларининг зълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш нашр этилган. Жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосида илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та мақола, шундан 3 таси хорижда чоп этилган, ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларни кайд қилинганлиги тўғрисида 1 та гувохнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 саҳифани ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш кисмida ўтказилсан тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг максад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётта жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қарор қабул қилишни кўллаб-куватловчи бошқариш тизимлари ва уларнинг ривожланиш тенденциялари» деб номланган биринчи бобида замонавий ахборот-бошқариш тизимларининг фаолияти самарадорлигини бошқариш карорларини қабул қилишни

ахборотли кўллаб-куватлашнинг» усуллари ва алгоритмлари ёрдамида оширишга бағищланган тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар ёритиб берилган.

Биринчи бобда саноат ишлаб чиқаришларида энергия самарадорлик ва ресурс тежамкорликни оширишнинг умумий тамойиллари баён этилган. Кўп компонентли моддаларни технологик ажратишдаги энергия тежамкорликнинг моҳияти ёритиб берилган. Саноат ишлаб чиқаришида хомашё ва энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва энергия тежамкорлик сиёсатини амалга оширишда қарор қабул қилишнинг асосий тамойиллари ифодаланган.

Энергия-технологик курилмаларда термодинамик қайтмаслик натижасида эксергетик йўкотишларнинг олдини олиш йўллари таҳлил қилинган бўлиб, термодинамик қайтмасликни фақаттинга технологик жараённи қайтадан кўллаш, шунингдек иксиламчи энергетик ресурсларни максимал йўкотиш шароитларида амалга ошириш мумкинлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «Бошқариш тизимларида қарор қабул қилишни кўллаб - қувватлаш модели ва алгоритмлари» номли иккинчи бобида қарор қабул қилиш кўллаб-куватловчи тизимлар фаолияти назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати таҳлил қилинган ва уларнинг янада ривожланиши ва такомиллашиш тенденциялари аниқланган.

Иккинчи бобда вазиятли бошқариш усуллари, маълумотларга ишлов беришнинг замонавий усуллари кўлланилиши тадқиқ этилган ҳамда кўриб чиқилаётган ёндашувнинг кўлланилиши ва истиқболи ҳақида хуоса қилинган. Хуоса қабул қилиш қарор қабул қилиш ва тизимни аниқ бошқариш объектига созлаш жараёнларида эксперт ишининг камайиши билан боғлик.

Предмет соҳасини тавсифловчи вазиятларнинг кўп омилли ифодаланиши моделлари, шунингдек муаммоли вазиятлар ечимларининг таҳлили ифодаланган тавсиф – таснифлашни ўтказишининг турли усулларини кўллаш, мумкин бўлган вазиятларни шакллантириш ва муаммоли вазиятларда қарорларни ишлаб чиқишининг самарадорлигидан дарак беради.

Куйидаги алгоритмлар таклиф этилган: муаммоли вазиятларни уларнинг турли синфларини хисобга олган ҳолда таснифлаш; тадрижий алгоритмлар асосида муаммоли вазиятларнинг ечимларини шакллантириш ва билимлар базасини тўлдириш, мумкин бўлган вазиятларни ишлаб чиқиш учун регрессияни кўллаш. Кўриб чиқилган алгоритмлар ахборот-бошқариш тизимларида қарор қабул қилишнинг кўллаб-куватловчи тизимларини куришнинг амалий масалаларида кўлланила олиши кўрсатилган. Бобда кўриб чиқилган, турли предмет соҳалари учун қарор қабул қилишни кўллаб-куватловчи тизимларни синтезлаш имконини таъминлайдиган усуллар ва алгоритмлар асосида қарор қабул қилишни ахборотли кўллаб-куватловчи тизимнинг структураси таклиф этилган.

Диссертация ишида амалга оширилган ёндашув ахборот-бошқариш тизимларида қарор қабул қилишни қўллаб-кувватлашнинг ахборотли таъминотини ишлаб чиқиши ва дастурий амалга ошириш, шунингдек тизимни созлаш, муаммоли вазиятларни башпоратлаш ва ўз вактида қарор қабул қилишга кетадиган вақтни камайтириш нуқтай-назаридан ҳисоблаш тажрибаларининг самаралироқ бўлиш имконини беради.

Диссертациянинг «Энергиятехнологик жараёнларни бошқариш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб-кувватлаш модел ва алгоритмларни ишлаб чиқиши» номли учинчи бобида замонавий кимёвий технологияларда энергия ва ресурс тежамкорликнинг термодинамик муаммолари таърифланган. Унда кимёвий технология объектларининг ахборотли тавсифлари таҳлили амалга оширилган ва энергия-технологик курилмаларнинг эксергетик таҳлилининг моҳияти очиб берилган.

Энергия-технологик курилмаларни термодинамик тамойил асосида структурали оптималлаштириш услубияти қуидагилардан иборат.

Битта совук ( $j$ ) ва битта иссиқ ( $i$ ) оқимнинг оддий бирлашуви самарадорлигининг термоиктисодий баҳоси қуидагича ифодаланади:

$$C_{ij} = C_{ij}^f + C_{ij}^Q;$$

бунда  $C_{ij}^f$  – ўзгармас харажатлар:

$$C_{ij}^f = \frac{Q_e P_f Z_p}{K_s \Delta T_{ij}}.$$

Ўзгарувчан харажатлар қуидаги тенгламадан аникланади:

$$C_{ij}^Q = (\Delta E_{ij} P_e + G_r P_r^G) b.$$

Даврийлик юз бериши мумкинлиги сабабли, бузилган масалаларни ечиш имконини берадиган шартли оптимал режалар ёки рухсат этилган кўшилувчилар усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқидир.

Структуравий оптималлаштириш услубияти энергия-технологик тизимларда технологик оқимлардан фойдаланишнинг потенциал имкониятларини тавсифловчи, оқимларнинг эксергетик катталигини билишни назарда тутади.

Жараёнга сарфланган эксергия, эксергия бирликларида ифодаланган фойдали самара ( $N$ ) ва йўқотишлар ( $\Pi$ )га тақсимланади:

$$E_{\text{сарф.}} = N + \Pi.$$

Шундан келиб чиқиб, алоҳида жараёнларнинг самарадорлигини баҳолаш учун жадалик коэффициенти ( $\eta_N$ ) ва эксергетик йўқотишлар коэффициенти ( $\eta_\Pi$ ) тавсифларидан фойдаланилади:

$$\eta_N = \frac{N}{E_{\text{сарф}}} = \frac{N}{N+\Pi}; 0 \leq \eta_N \leq 1;$$

$$\eta_\Pi = \frac{\Pi}{E_{\text{сарф}}}; 0 \leq \eta_\Pi \leq 1.$$

Кимёвий тизимлар термодинамикасининг маҳсус коэффициенти  $\eta_c$  ёрдамида (термодинамик самарадорлик коэффициенти)  $\eta_N$

ва  $\eta_{\text{П}}$  га боғлиқ бўлиб  $f(\eta_W \eta_{\text{П}})$ , ҳар бир элемент бўйича тизимдан олинган маҳсулот эксергиясининг сарфланган хом-ашё ва энергия эксергиясига нисбати билан ҳисоблаб топилади:

$$\eta_c = \frac{E_{\text{кир}}}{E_{\text{чиқ}}} = f(\eta_W \eta_{\text{П}}); 0 \leq \eta_W \leq 1.$$

Энергия-технологик жараёнлардаги эксергияни ҳисоблашга зътибор қаратамиз, унинг иккита ташкил этувчиси ажратиб кўрсатилган: ( $E_1$ ), кўрилаётган модда билан “атроф-мухит”нинг ҳароратлари  $T_o$  ва босимлари  $P_o$  мос тушмаслиги натижасидаги эксергия;  $E_2$  – кўрилаётган оқим ва “атроф-мухит”нинг мос компонентлари ўргасида кимёвий потенциаллар тенглигининг ўрнатилиши билан боғлиқ эксергия бўлиб, кимёвий ва нефтикимё жараёнларини таҳлил қилишда эксергиянинг айнан шу икки ташкил этувчилари муҳим ҳисобланади.

Эксергиянинг биринчи ташкил этувчинини аниқлаш ифодаси:

$$E_1 = \Delta_o I - T_o \Delta_o S;$$

бу ерда  $\Delta_o I$ ,  $\Delta_o S$  – энталпия ва энтропия бўлиб, атроф-мухитнинг босими  $P_o$  ва ҳарорати  $T_o$  билан белгиланадиган ҳолатдан то мавжуд ҳолатгача ҳисобланади.

Босим ўзгармас бўлганда юз берадиган (нефтни бирламчи қайта ишлаш жараёнларида ўринли бўлган, яъни (изобарик) ҳисобланган) жараёнлар учун энталпия ва энтропияни ҳисоблашда қуидаги формулалардан фойдаланилади:

$$\Delta_o I = \int_{T_o}^T C_p dT;$$

$$\Delta_o S = \int_{T_o}^T \frac{dQ}{T} = \int_{T_o}^T \frac{C_p dT}{T}.$$

бу ерда  $C_p$  – ўзгармас босимда ҳақиқий массавий иссиқлик сигими;  $T_o$  – технологик оқимнинг ҳарорати,  $K$ .

Кўриб чиқилаётган модданинг  $P_o$  ва  $T_o$  даги энергиясини тавсифловчи тенглама қуидаги кўринишга эга:

$$E_2 = E_p^c + E_p^b + E_N.$$

Изотермик кенгайиш жараёнини кўриб чиқишида  $E_p^b$  катталик қуидагица ҳисобланади:

$$E_p^b = I_{\text{кир}} - I_{\text{чиқ}} + T_o \Delta S_{\text{небр}}.$$

$E_N$  катталик ўзида буғлар аралашмасини қайтар ажратишида сарфланиши керак бўлган минимал ишни акс эттиради:

$$E_N = -RT_o \sum_i x_i \ln x_i.$$

Шундай қилиб, атроф-мухит ва кўрилаётган модда таркиблари бир-биридан фарқ қилиши сабабли юзага келадиган эксергия ажратиш жараённида қуидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$E_N = K \frac{T_o}{M} + I_{\text{кир}} - I_{\text{чиқ}} + T_o \Delta S_{\text{қай.}} + (-RT_o \sum_i x_i \ln x_i).$$

Бу ҳолат нефтни қайта ишлаш жараёнларини таҳлил қилишда муҳим, чунки нефт ва нефть маҳсулотлари аниқ таркибини аниқлаш имконсиз бўлиб

күринади. Таклиф этилган услубият нефтни қайта ишловчи саноат ишлаб чиқаришлари таҳлилида технологик оқимларнинг фракцияли таркибини аниклаш имконини беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Чиноз нефтни қайта ишлаш заводида бошқариш энергетик тизимларини амалий татбики ва натижалари» деб номланган.

Нефтни бирламчи қайта ишлаш курилмалари (Атмосфера-вакуум кувурли электр тузсизлантирувчи курилма)ни таҳлил қилишда жараёнларнинг термодинамик самарадорлигини баҳолаш хар бир аппаратнинг самарадорлигини тадқиқ этишга асосланган.

Жараёнларнинг термодинамик самарадорлиги ва иссиқлик алмашинувини атроф-муҳитга иссиқлик сарфини ҳамда иссиқлик алмашиниш курилмасининг гидравлик қаршилигини ҳисобга олмасдан баҳолашда (нефтни қайта ишловчи ишлаб чиқаришлардаги иссиқлик алмашиниш курилмаларидағи босимнинг ўзгармаслигига тенг кучли) эксергетик йўқотишнинг иссиқлик алмашиниш жараённинг жадаллик коэффициентлари куйидагича аникланади:

$$\eta_N = \frac{T_r(T_x - T_o)}{T_x(T_r - T_o)} ;$$

$$\eta_{\Pi} = Q_T T_o \frac{(T_r - T_x)}{E_{\text{вх}}} / \frac{(T_r T_x)}{E_{\text{вх}}};$$

бу ерда  $Q_T$  – узатилган фойдали иссиқлик миқдори;  $T_x$  ( $T_r$ ) – совук (иссиқ) оқимнинг ўргача термодинамик ҳарорати.

Содда ректификация колонналари учун ректификациялашга хос бўлган фойдали самарани маҳсулотлар ва таъминотнинг кириш оқими эксергияларининг фарқи сифатида топиш мумкин:

$$N = E_p + E_w - E_f .$$

Масса алмашиш курилмаси учун ички йўқотишлар (яъни жараённинг қайтмаслиги сабабли йўқотишлар) курилмада жараённинг адабатик ўтиши билан боғлиқ. Ички йўқотишлар ректификация колоннасининг эксергетик балансидан топилади:

$$\Pi = E_{w1} + E_{r1} + E_f - E_p - E_w - E_{r2} - E_{w2} .$$

Бу ердан иссиқлик алмашиниш жараённинг жадаллиги ва эксергетик йўқотишларнинг коэффициентлари куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\eta_N = \frac{E_p + E_w - E_f}{E_{w1}} ;$$

$$\eta_{\Pi} = \frac{E_{w1} - (E_p + E_w - E_f)}{E_{w1} + E_{r1} + E_f} .$$

Жадаллик функцияси печнинг чиқишидаги оқимларнинг эксергиялари йигиндисидан печнинг киришидаги оқимлар эксергияларини айриш орқали топилади:

$$N = E_{c_2} + E_{c_4} + E_{\Pi_2} - E_{c_1} - E_{c_3} - E_{\Pi_1} .$$

Печда нефть ва нефть маҳсулотларини қиздириш жараёнининг жадаллик коэффициенти куйидагича кўринишга эга:

$$\eta_N = \frac{E_{c2} + E_{c4} + E_{\pi2} - E_{c1} - E_{c3} - E_{\pi1}}{E_t + E_b}$$

Печда оқимларни қиздириш ички ва ташки йўқотишлар билан кечади. Ички йўқотишлар, яъни жараённинг қайтмаслигига кўра йўқотишлар иккита: ёқилгининг қайтмас ёниши ва қайтмас иссиқлик алмашиниш ҳодисалариға боғлик. Улар печнинг эксергетик балансларидан келиб чишиб, баҳоланиши мумкин:

$$\Pi^1 = E_t + E_b + E_{c2} + E_{c3} + E_{\pi1} - E_{c2} - E_{c4} - E_{\pi2} - E_{g2}$$

Ташки эксергетик йўқотишлар тутун газларининг эксергияси  $E_{t,g}$  билан аниқланади. Эксергетик йўқотиш коэффициенти куйидаги тенглама бўйича баҳоланади:

$$\eta_{\Pi} = \frac{E_t + E_b - (E_{c2} + E_{\pi2} + E_{c4} - E_{c1} - E_{c3} - E_{\pi1})}{E_t + E_b + E_{c1} + E_{c3} + E_{\pi1}}$$

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш захираларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришнинг оптималь унумдорлик сатхини белгилаш учун эксергетик баланс хисобланган ва атмосфера-вакуум қувурли электр тузсизлантирувчи курилмасининг самарадорлигини баҳолаш ўтказилган. Натижалар 1- ва 2-жадвалларда келтирилган. Ҳисоблаш натижалари (2-жадвал)дан кўринадики, таҳлил килинган аппаратларнинг эксергетик фойдали иш коэффициенти юқори кийматларга эга, чунки кимё ва энергия-технологик жараёнларнинг эксергетик баҳолари кичик. Бундан енгил фракциялар каттароқ иш қобилиятига эгалиги келиб чиқади.

Кўшимча таҳлилдан маълум бўлишича, ёкувчи қозонларни иситиш учун тутун газларининг иссиқлигидан фойдаланиш жадаллик коэффициентини аҳамиятсиз даражада оширади. Эксергетик йўқотишлар коэффициенти 15-20 % га камаяди.

1-жадвал

Атмосфера-вакуум қувурли электр тузсизлантирувчи курилманинг асосий параметрларини ҳисоблаш натижалари

Иссиқлик алмашиниш курилмалари	Ректификация колонналари			Қувурли печлар		
	K - I	K-2, K-6 K-7, K-9	K-8	П-1	П-2	П-3
$\eta_N$	0,536-0,882	0,09	0,163	0,128	0,	0,
$\eta_{\Pi}$	0,02 - 0,46	1	0,380	0,667	168	165
		0,42			0,72	0,73
		5			3	6
						0,75
						8

**Атмосфера-вакуум күвурлы электр түзсизлантирувчи курилмадаги технологик оқимларнинг параметрлариниң ҳисоблаш натижалари**

Технологик оқим	$E_1$ , ккал/кг	$E_2$ ,ккал/кг	$E$ , ккал/кг
Хом нефть	0,077	60,27	60,347
Буглар фр. НК-180, К- 1 дан	90,74	108,12	198,86
Бензин олинган нефть К- 1дан	46,02	45,62	91,64
Буглар фр. 85-180 К-2дан	86,43	101,06	187,49
Фр. 180-220 К-бдан	11,37	80,77	92,14
Фр. 220-280 К-7 дан	21,28	61,88	83,16
Фр. 280-350 К-9 дан	40,13	42,52	82,65
Мазут К-2 дан	67,33	29,67	97,00
Баркарор бензин К-8 дан	20,49	87,10	107,59


Шундай қилиб, иссиқлик алмашиниш тизимининг эксергетик таҳлили оқимларнинг структуравий ташкил этилишини ўзгартириш ҳисобига унинг самарадорлигини ошириш имконини аниқлаб берди.

Курилмаларнинг унумдорлигини ошириш имкониятларини таҳлил қилишда ажратиб олинадиган маҳсулотларнинг фракция таркибини ўзгармас деб олиш, иссиқлик алмашиниш тизимидан қатъй назар, юклама ошганда колонналар ишининг таҳлилини ўтказиш имконини беради, кейин эса, иссиқлик остилизимини мос равишида ташкил этиб, талаб этилган термодинамик иш режимларига эришилади.

Нефть ва нефть маҳсулотларини ректификациялаш жараёнини математик тавсифлашда бугунги кунда амалдаги ишлаб чиқарашларни ҳамда лойиха ҳисобларида қўлланилаётган услубиятдан фойдаланилган. Ҳисоблаш услубияти ректификация жараёнини секциялар бўйича бажаришга асосланади ва ҳар бир секция учун самарали ҳарорат аниқланади, бу абсорбция ва буглатиш жараёнларининг омилларига асосланиб, фракцияларнинг юқори ва қути маҳсулотларга тақсимланишини тавсифлайди.

Моделларнинг монандлиги ҳамда моддий ва энергетик баланс тенгламалари тизимларининг эркин ўзгарувчиларининг тўғри берилганинги текшириш учун колонна тарелкаларидаги сарф, босим, ҳароратларни аниқлашдан иборат тажриба ўтказилган ҳамда ажратиш маҳсулотларининг таркибини таҳлил қилиш амалга оширилган. 1-расмда юклама ўзгарганда колонналар ишини таҳлил қилиш натижалари кўрсатилган бўлиб, юклама ўзгарганда колонналарнинг жадаллик коэффициентлари унумдорлик йилига 8 млн. тоннагача бўлганда ўзгармайди, кейин пасая бошлайди. Шу билан биргаликда эксергетик йўқотиш коэффициентлари камайиб боради. Бу харажатлар ва фойдали самара тахминан мутаносиб ўсиб бориши билан изохланади, айни вақтда, кириш эксергияси, эксергия сарфи ҳисобига ва флегма эксергияси ҳисобига эксергетик йўқотишларнинг мутлақ қийматига қараганда тезрок ортиб

боради. Юклама йилига 8 млн. тоннадан ошганда, фойдали самара камаяди, чунки флегма сони катталашганда солиширма энергияси энг катта бўлган юкори маҳсулот микдори камаяди, натижада ректификация колонналарининг эксергетик йўқотиш коэффициентлари катталашади.



1-расм. Ректификация колонналари ишининг таҳлили.


Эксергетик йўқотиш коэффициентларининг пасайиши юклама ошишининг самарадорлигидан дарак беради, чунки йўқотиш коэффициентининг камайиши ёқилғига бўлган солиширма харажатларни пасайтиради. Графикда курилма унумдорлигининг термодинамика нуқтаиназаридан энг мақбул соҳаси ажратиб кўрсатилган.

Иссиклик остилизимларини структуралли оптималлаштириш асосида иссиқлик алмашиниш тизимининг оптималь структураларини кидириш ўтказилган бўлиб, унумдорлик йилига 8 млн. тонна бўлганда колоннага киришда хомашёнинг берилган ҳароратини таъминлайди. Иссиклик остилизимининг оптималь структураси 2-расмда келтирилган бўлиб, у юклама йилига 8 млн. тонна бўлганда Атмосфера-вакуум қувурли электр тузсизлантирувчи курилма учун иссиқлик алмашиниш тизими сифатида танланиши мумкин.

Иссиклик остилизимининг бошланғич схемасидан фарқли равишда таклиф этилган схема нефть хомашёси бўйича уч оқимли структурага эга. Бироқ, нефть оқимини янада кўпроқ майда оқимларга ажратиш мақсадга мувофиқ, чунки оқимларни бир-бирига киритиш оқимларнинг чизикили тезлигини камайтиради.

Эксергетик таҳлил қурилманинг алоҳида қисмлари ва мосламалари ҳамда бутун курилма учун самарадорликнинг ошганлигини кўрсатди. Қайта конструкцияланиб, такомиллаштирилган қурилманинг термодинамик ф.и.к.

0,072 ни ташкил этиши керак. Эксергетик йўқотишиларни камайтириш хисобига қурилманинг термодинамик самарадорлигини ошириш ёкилгига бўлган солиштирма харажатларнинг 5,5% га камайишига олиб келади.



**2-расм. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 8 миллион тонна бўлган қурилманинг оптимал иссиқчилик алмашиниш тизими**

### ХУЛОСА

«Ахборот бошқарув тизимларида қарор қабул қилишни ахборотли қувватлаш алгоритмлари ва усувлари» мавзусидаги дисеерсация ишида ўтказилган тадқиқотларнинг асосий натижалари кўйидаги хуласаларга олиб келади:

1. Ахборот бошқарув тизимларида бошқарув қарорларини қабул қилишни қўллаб-кувватловчи усувлар ва алгоритмларини ишлаб чиқиши ва қўллаш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати танқидий таҳжил қилиш асосида энергия-технологик жараёнларни эксергетик кўрсаткичлар асосида структуравий ва параметрик термодинамик оптималлаштиришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари аниқланган.

2. Бошқаришнинг энергия-технологик объекларида қарор қабул қилишни қўллаб-кувватлашнинг концептуал модели автоматик бошқариш ва вазиятли моделлаштириш парадигмаларини бирлаштиришга асосланган муқобил бошқариш қарорларини шакллантиришни автоматлаштириш усувлари ва асбобий воситалар асосида ифодаланганди.

3. Бошқариш қарорларини шакллантириш ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш учун бошқариш қарорларини ҳосил қўлувчи элементар бошқариш таъсиirlарининг нисбатан ўрин алманиниши инвариантлилигини таъминловчи

бошқариш қарорларини берилishiغا бўлган тасдиқлар постулот сифатида келтирилган. Функцияларнинг кластерли таҳлилига асосланган вазиятларни таснифлаш усули таклиф этилган бўлиб, ҳар бир вазиятга марказ ва радиус билан тавсифланувчи кластер рақамига мос билимлар базасидаги мазмун берилади, барча вазиятлар эса илгари киритилган синфлардан бирига тегишли бўлади.

4. Энергия-технологик тизимларнинг иссиқлик остилизмларини термоиқтисодий тамойил асосида, мавжуд услубиятлардан фарқли равишда, ўзининг потенциалига кўра турлича бўлган иккиласми энергетик ресурслардан, технологик оқимларнинг иссиқлигини рекуперациялаш схемаларидан фойдаланиш бўйича оптималларини кидириш имконини берадиган структуравий оптималлаштириш услубияти ишлаб чиқилган.

5. Энергия-технологик жараёнларнинг нефтни бирламчи қайта ишлаш жараёнларига кўлланиладиган эксергетик таҳлил услубияти ишлаб чиқилган бўлиб, у технологик курилмалардаги эксергиянинг ўзгаришини тадқиқ этишга асосланган ва технологик оқимили кимёвий технологик тизимларнинг ичидаги айланувчи энергия ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини объектив баҳолаш имконини беради.

6. Нефтни бирламчи қайта ишлаш жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш учун термодинамик таҳлилнинг эксергетик усули биринчи марта ишлаб чиқилган бўлиб, ишлаб чиқилган услубиятлардан фойдаланиш асосида унумдорликнинг оптимал даражасини ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш захираларини аниқлаш имконини беради.

7. Энергия-технологик жараёнларнинг иссиқлик остилизмларини структуравий оптималлаштириш алгоритмлари ва дастурлари таклиф этилган бўлиб, уларнинг кўлланилиши амалдаги ва лойиҳаланаётган ишлаб чиқаришлар учун иккиласми энергия ресурсларидан оптимал фойдаланиш масалаларини ечиш имконини беради. Натижада оптималлаштирилаётган технологик тизим структураларини қайта структуралаш бўйича оптимал қарор қабул килиш вақтини 15-20% кискартириш имконини берган.

8. Нефтни бирламчи қайта ишлаш жараёнларига нисбатан энерготехнологик жараёнларни эксергетик баҳолайдиган алгоритмлар ва дастурлар комплекси ишлаб чиқилди, натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини 0,072% оширишга имконият яратилган ва “OZLITINEFTGAZ” АЖ лойиҳаловчи ташкилотга фойдаланиш учун топширилди.

9. Ишлаб чиқилган методикалар, алгоритмлар ва дастурлар Чиноз нефтни қайта ишлаш заводидаги АВҚЭТКнинг яхлит ўзи ва алоҳида қисмлари самарадорлигини баҳолашда фойдаланилди. Жиҳознинг энергетик қисмини оптимал ташкиллаш хисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш имконлари аникланди. Натижада нефть ва газ конденсатини бирламчи қайта ишлаш жараёнининг энергия самарадорлигини 5,5% га ошириш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**  
**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ХОЖИЕВА НАСИБА ЖУМАБЕВНА**

**МЕТОДЫ И АЛГОРИТМЫ ИНФОРМАЦИОННОЙ  
ПОДДЕРЖКИ ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЙ В ИНФОРМАЦИОННО-  
УПРАВЛЯЮЩИХ СИСТЕМАХ**

**05.01.02 – Системный анализ, обработка информации и управление**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.4.PhD/T505

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

Научный руководитель:

Гулямов Шухрат Манапович  
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сайдов Абдусобирджон Абдурахманович,  
доктор технических наук

Исмаилов Мирхалил Агзамович,  
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «\_\_\_» 2021 г. в «\_\_\_» часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №210). Адрес: 100202, Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» 2021 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ 2021 года.)



Р.Х.Хамдамов

Председатель Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
доктор технических наук, профессор

Ф.М.Нуралiev

Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
доктор технических наук

М.А.Рахматуллаев

Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению учёных степеней,  
доктор технических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в настоящее время внедряются в теорию и практику управления новыми информационными технологиями, инженерия знания, системы искусственного интеллекта, математического моделирования и оптимизации, а также интенсивно разрабатываются необходимые предпосылки для построения высокоэффективных систем поддержки принятия решений (СППР). В связи с этим в США, Японии, Канаде, России, Франции, Германии и многих других странах большое значение имеют вопросы управления производственными системами с помощью устройств с программируемой логикой.

В мировой практике сложные технические и технологические системы функционируют в динамически изменяющейся среде, что сопровождается изменением условий, ограничений, а иногда и целей управления динамическими объектами. Это обуславливает то, что разработка и совершенствование обобщенных адекватных моделей отстает от реалий и насущных потребностей автоматического и автоматизированного управления.

В нашей Республике в рамках государственных программ реализуется широкий спектр мер, направленных на повышение эффективности систем поддержки принятия решений в сфере оперативного управления сложными технологическими процессами и производствами. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены насущные «задачи по совершенствованию теоретических основ построения, внедрения и промышленной эксплуатации перспективных энерго- и ресурсосберегающих тепломассообменных процессов сложных химико-технологических систем и производств»<sup>2</sup>.

Диссертация в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №-УП-5853 от 23 октября 2019 года, «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»; №УП-5099 от 30 июня 2017 года «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в республике», № ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также другими нормативно-правовыми документами, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7-февраля 2017 года №УП-4947.

и технологий Республики Узбекистан IV «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий»

**Степень изученности проблемы.** Значительный вклад в применение системного подхода при разработке методов и алгоритмов информационной поддержки принятия решений в современных информационно-управляющих системах внесли зарубежные исследователи А.И.Бояринов, В.Н.Ветохин, В.В.Кафаров, А.В.Лыков, В.А.Налётов, В.Л.Перов, А.М.Цирлин и др. Вопросам информационной алгоритмической, математической и программно-технической поддержки информационно-управляющих систем и их интеграции с другими системами, в том числе систем термодинамической оптимизации энерго- и ресурсоемких технологических комплексов и установок, посвящены исследования отечественных учёных: Д.А.Абдуллаева, Ф.Б.Абдугалиева, К.Р.Аллаева, Т.Ф.Бекмуратова, Х.З.Игамбердиева, В.К.Кабулова, М.М.Камилова, Д.Н.Мухитдинова, Н.У.Ризаева, Н.Р.Юсупбекова, а также зарубежных исследователей: R.A.Aliev, A.Fredensland, T.Jensen, M.Hirata, W.L.Luyben, K.Nagahama, S.Ohe, S.Skogestad, J.M.Wilson и др.

Однако в данной предметной области недостаточно работ, посвященных выявлению и исследованию особенностей интеллектуальных ИУС и их информационной поддержки, при принятии управленческих решений.

**Связь диссертационного исследования с планами научно – исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках научных проектов Ташкентского государственной технический университет, Научно-инновационный центр информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий и Ташкентский университет информационных технологий: №БВ-Атаб-2018-568 «Создание интеллектуальных программных систем управления информационными рисками для поддержки принятия решений по защите информации электронных ресурсов» (2018-2019), №ЁБВ-Атч-2018-212 «Исследование и разработка методов и алгоритмов обеспечения безопасности информационных ресурсов в системах электронного правительства» (2018-2019), №ОТ-87-58 «Совершенствование теоретических основ перспективных энерго- и ресурсосберегающих тепломассообменных процессов сложных химико-технологических систем получения чистых продуктов» (2017-2020).

Целью исследования заключается в разработке методов и алгоритмов информационной поддержки принятия решений в современных информационно-управляющих системах на примерах прикладных задач термодинамической оптимизации энерготехнологических производств на основе применения современных информационных технологий и методов эксергетического анализа.

### **Задачи исследования:**

разработка методов синтеза оптимальной структуры энергетехнологических установок на основе использования способов структурно оптимизации;

обоснование методики анализа эффективности энерго- и теплотехнологических процессов на основе использования эксергетического принципа термодинамического анализа;

